



ТОШКЕНТ

ХАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2004 йил 28 июль, чоршанба • №61 (11.656) • Эркин нархда сотилади

Вилоят фаоллари Йиғилиши

Шу йил 26 июль куни 2004 йилнинг биринчи ярим йиллигида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 7 февралдаги ҳамда вилоят фаолларининг 13 февралдаги мажлисларида белгиланган устувор вазифаларининг бажарилишига бағишланган Тошкент вилояти фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, ҳокимлик гуруҳ ва котибиятлари, бошқарма ва идоралари, банк тизими, жамоат ташкилотлари, ҳуқуқ-тартибот органлари раҳбарлари, туман ва шаҳар ҳокимлари, вилоятдаги бир қатор саноат, агросаноат тизими корхоналари, пудрат-қурилиш, таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари, кичик ва хусусий бизнес субъектлари раҳбарлари иштирок этдилар.

Фаоллар йиғилишини вилоят ҳокими Козим Тўлаганов бошқарди.

Кун тартибидagi асосий масала юзасидан вилоят ҳокимининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Абдуҳамид Йўлдошев маъруза қилди. Таъкидланганидек, ҳисобот даврида асосий эътибор Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 7 февралдаги ҳамда вилоят фаолларининг 2004 йил 13 февралда бўлиб ўтган йиғилишларида белгиланган устувор вазифаларнинг бажарилишига қаратилди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш, ижтимоий соҳани ривожлантириш изчил давом эттирилди. Натижада, иқтисодиётда юқори ўсиш суръатларини таъминлашга эришилди. Ўтган олти ой мобайнида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 7,8 фоизга ўсиши таъминланди. Бундай юқори кўрсаткичлар саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулоти, чакана савдо айланмаси, пуллик хизматларда ҳам қайд этилди. Хусусан, саноат маҳсулотларида ишлаб чиқариш 108,2 фоизга ўсди. Бу рақамлар қишлоқ хўжалигида 116,9 фоизни, капитал қўйилмаларда 123,1 фоизни, чакана савдо айланмасида 111,9 фоизни, пуллик хизматлар ҳажмида 112,8

фоизни ташкил этди. Вилоятда белгиланган давлат ва маҳаллий бюджет параметрларининг ошириб бажарилиши таъминланди.

Ҳисобот даврида вилоятда экспорт ҳажми 136 фоизга ўсди, ташқи савдо балансида 120,4 миллион АҚШ доллари миқдорида ижобий сальдога эришилди.

Йиғилишда хусусийлаштириш жараёнини ва иқтисодиётдаги хусусий секторнинг ролини кучайтириш ҳамда халқ хўжалигининг барча муҳим иқтисодий соҳаларида ислохотларни чуқурлаштиришга алоҳида эътибор берилаётганлиги қайд этилди. Ана шу йўналишда вилоятда ярим йил мобайнида устив фондларида давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари сони икки баробарга қисқарди. 38 та давлат корхоналари ва объектлар хусусийлаштирилди ҳамда 1,7 миллиард сўм маблағ тушишига эришилди.

Лекин шу билан бирга фаоллар йиғилишида таъкидланганидек, белгилаб олинган тадбирлар ва устувор йўналишларнинг ўз вақтида бажарилмаётганлиги, мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан қатъийлик кўрсатилмаётганлиги

(Давоми 2-бетда).

Аёл, Оила, Жамият



Хотин-қизлар қўмиталари: Янгиланиш жараёни

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти, ҳуқуқий демократик давлат шаклланыпти. Бу жараёнда барча кучлар тобора фаол иштирок этмоқда. Унда хотин-қизлар алоҳида ўрин тутаётир. Шунинг учун ҳам жа-

миятимизда хотин-қизларга муносабатни тўғри йўлга қўйиш, аёлларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг ибратли ташаббусларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор билан қаралмоқда.

Айни шу жиҳат туфайли хотин-қизларнинг янги-янги ташаббуслари туғилиб, улар ишлаб чиқаришни ривожлантиришда, фан ва маданиятни рағбатлантиришда тобора қизғин иштирок этаётирлар. Шу йилнинг 21 июнида Оқсарой қароргоҳида ўтган йиғилишда Ўзбекистон Президенти хотин-қизлар қўмиталари амалга оши-

раётган ишларга тўхталиб, мамлакатимиз тараққиётида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, жамият ва давлат қурилишига доир вазифаларни бажаришдаги иштирокини кучайтириш борасида олиб борилаётган ишларни бутунлай янги си-

фат босқичига кўтариш гоёсини илгари сурди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги Фармони муҳим аҳамият касб этмоқда.

(«Аёл, Оила, Жамият» мавзусига бағишланган мақолаларни газетанинг 3-6-саҳифаларида ўқийсиз).

Билимлар юлдузларга етаклар

Болалигимизда космонавт бўлишни ҳаммамиз ҳам орзу қилганмиз. Юлдузли осмон ҳозирги ёшларни ҳам ўз сирлари билан жалб қилмоқда. 16-халқаро аэрокосмик мактаб (ХАКМ) маш-

ғулотлари болаларга кoinотнинг чексиз уммони, инсониятга космос сирларини очишда ёрдам бераётган илғор технологиялар ҳақида кўп янгилекларни билиш имконини беради.

Бу йил ХАКМни Ўзбекистон Фанлар академияси, «Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайрия жамғармаси, «Росзару-

бежцентр»нинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси, қатор илмий, ишлаб чиқариш ва жамоат тузилмалари ташкил этди.


Аэрокосмик мактаб – вақтинчалик ижодий жамоа бўлиб, унга юқори синф ўқувчилари, талабалар, олимлар,

шу жумладан Ўзбекистон Фанлар академияси космик тадқиқотлар маркази ва бошқа ташкилотлар мутахассислари киради.

Мактабнинг икки ҳафталик дастури жуда бой. Унга тингловчиларнинг илмий-техник, маданий ва махсус умумфизикавий тайёргарлиги киради. Маърузаларни таниқли олимлар, космонавтлар, ҳаво кемалари учувчилари, аэрокосмик фан мутахассислари ўқийди. Машғулотлар якунланганидан 7

август куни қатнашчилар томонидан ясалган ракеталар, самолёт моделлари, варраклар осмонга учурилади. Энг яхши фантастик ҳикоя ва расм танлови ҳам ўтказилади. Барча мусобақадаги ғолибларнинг ишлари ХАКМ музейига қўйилади ва «Соғлом авлод учун» жамғармаси, «Правда Востока» газетаси, «Росзарубежцентр»нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси совринлари билан тақдирланади.

ЎЗА.



Мамлакатимизда муҳим сиёсий жараён — икки палатали парламентга сайловлар учун қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Демократик жамиятнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқароси улкан сиёсий воқеликка бефарқ қарамайди, албатта.

Айни кунларда бўлажак сайловлар олдидан жойларда семинар-тренинглар, тарғибот-ташвиқот ишлари ўтказилмоқда. Бу тадбирларда асосан эркин, демократик сайловларнинг ҳуқуқий асослари, уни амалга оширишда фуқароларнинг фаоллиги, бурч ва масъулиятлари ҳақида атрофлича гапирилмоқда.

— Бу галги сайловлар сайловчига ҳам, сайла-

нувчига ҳам алоҳида масъулият юклайди, — дейди Зангиота тумани «Наврўз» ширкат хўжалиги «Қатортол» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Хайрулло Малилов. — Бойси мамлакатимизда илк марта икки палатали парламент шакллантирилмоқда. Қуйи палатага ҳам, сенатга ҳам энг муносиб номзодларни саралаш, тадбирни эркин демократик руҳда ўтказишда барчамиздан, аввало, фаоллик ва фидойилик талаб этади.

СУРАТДА: «Қатортол» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Хайрулло Малилов (ўнгдан иккинчи) қишлоқ фаоллари билан бўлажак сайловлар ҳақида суҳбатлашмоқда.

Даврон АХМАД олган сурат.

Ҳақиқатни тиклаш учун

Варшавада архив манбаларни ўрганиш бўйича Ўзбекистон-Польша комиссиясининг иккинчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Учрашув доирасида Ўзбекистон томони Польша ҳукуматидаги собиқ совет тузуми даврида қатағон қилинган 600 дан зиёд поляк фуқароларига оид архив ҳужжатларни топширди.

Тарихий ҳужжатларни топшириш маросимида Польша президенти маслаҳатчиси А.Майковский поляк халқи тарихидаги фожиали даврни ўрганиш борасидаги олижаноб саъй-ҳаракатлари учун А.Квасневскийнинг Ўзбекистон Президентига билдирган самимий миннатдорлигини етказди.

«Жаҳон» АА.

«Умумармия ўйинлари-2004»

Ҳарбийлар беллашганда

«Умумармия ўйинлари-2004» ҳарбий-спорт мусобақаси узоқликка югуриш ва футбол беллашувлари билан бошланди.

Чирчиқ олий танк кўмондон-муҳандислик билим юрти полигонда 12 километр масофага югуриш бўйича ўтган баҳсларда ўн уч жамоа вакиллари иштирок этди. Маррага биринчи етиб келган Чирчиқ олий танк кўмондон-муҳандислик билим юрти курсанти Азим Абдукаримов «Умумармия ўйинлари-2004» мусобақасининг илк олтин медалини қўлга киритди.

Чирчиқ олий танк кўмондон-муҳандислик билим юрти ва Ички ишлар вазирлиги қоровул кўшинлари жамоалари ўртасидаги беллашув 4:1 ҳисобида танкчилар фойда-

сига ҳал бўлди. Тошкент олий умумкўшин кўмондонлик билим юрти ҳамда Тошкент ҳарбий округи жамоалари ўртасидаги баҳсда округ вакилларининг қўли баланд келди: 2:0.

Мусобақалар Марказий ҳарбий спорт клуби, Тошкент олий умумкўшин кўмондонлик билим юрти, Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисмларда ҳамда Куролли Кучлар Бирлашган штаби спорт мажмуида давом этмоқда.

Холмурод САЛИМОВ,
ЎЗА мухбири.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий судида 29-30 март ва 1 апрель кунлари Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида терроризм ва қўпуровчилик ҳаракатларини содир этганликда айбланган 15 нафар шахс устидан суд жараёни бошланди. Суд жараёнига Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари Б.Жамолов раислик қилмоқда.

Судланувчилар Ф.Юсупов, Ф.Казакбаев, Х.Ишматов, Е.Асланов, Н.Курбаналиев, Р.Юсупов, М.Мирзакулов, Қ.Туйчиев, К.Сохоталиев, Ё.Умаров, К.Қаюмова, Ж.Нигманов, Ў.Ҳамроев, И.Тошпулатова, А.Зулпиқаров дастлабки тергов органлари томонидан оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш, терроризм, босқинчилик, диний экстремизм, ўқотар қурол ва ўқ-дориларни босқинчилик йўли билан эгаллаш, портловчи моддаларни тайёрлаш, олиб юриш, сақлаш, контрабанда ва бошқа қатор ўта оғир

жиноятларни содир этганликда айбланган.

Раислик қилувчи томонидан тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилгач, давлат айбловчиси, адлия катта маслаҳатчиси М.Солиҳов айбланувчиларга нисбатан айблов ҳулосасини ўқиб эшиттирди.

Очиқ кўрилаётган суд мажлисида 30 нафардан зиёд ҳорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда.

ЎЗА.



Вилоят фаоллари йиғилиши

миллиард сўм маблағ тушишига эришилди.

Лекин шу билан бирга фаоллар йиғилишида таъкидланганидек, белгилаб олинган тадбирлар ва устувор йўналишларнинг ўз вақтида бажарилмаётганлиги, мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан қатъийлик кўрсатилмаётганлиги ижтимоий-иқтисодий ривожланишга, ислохотларнинг изчил боришига тўсиқ бўлмоқда. Хусусан, вилоят «Пилла» акциядорлик жамияти, Ангрен, Бекобод, Оҳангарон, Чирчиқ, Янгийўл шаҳарлари, Оҳангарон, Бўстонлик, Бекобод, Қибрай, Бўка, Тошкент ва Чиноз туманларида хусусийлаштириш борасида белгиланган топшириқлар суғ бажарилмоқда. Худудлар ва корхоналарда саноат соҳасини ривожлантириш, маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш масалаларига етарли эътибор берилмаяпти. Масалан, маҳаллийлаштириш дастури доирасида «Оҳангаронлинпласт», «Бекободцемент», «Электркимёсаноат» корхоналарида лойиҳани амалга ошириш ишлари ҳалигача бошланмаган бўлса, Ангрендаги «Садко», «Ўзметкоттон», Чирчиқдаги «Латофат», Бўкадаги «Аккумуляторсервис», Қибрайдаги «Медиз» корхоналарида маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг белгиланган ҳажми таъминланмади.

Йиғилишда юқоридаги масалаларга мутасадди бўлган вилоят ҳокимлиги мажмуалари, бошқармалар, шаҳар ва туман ҳокимликлари раҳбарларига бир ҳафта мuddат ичида белгиланган устувор вазифаларнинг амалга оширилишини чуқур таҳлил этиб, танқидий баҳолаш, уларнинг сўзсиз бажарилиши юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаш вазифалари юклатилди. Хусусан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги қоқоқликни тугатиш, ҳукумат қарорида белгиланган хорижий инвестициялар ишторикидаги корхоналарни ўз мuddатида ташкил этиш, хусусийлаштириш дастурини бажариш, ҳисоб-китоб механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, акциядорлик жамиятларидаги мулкнинг давлат улуши бўйича ҳисобланган дивидендларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тушиши ҳамда улардан самарали фойдаланишни назорат қилиш, маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш бўйича алоҳида чора-тадбирлар кўриш тавсия этилди.

Шу кунги фаоллар йиғилишида уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида иқтисодий ислохотларнинг бориши, рақобат муҳитини шакллантириш ҳамда халқ хўжалиги тармоқларини 2004-2005 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш борасидаги аҳвол ҳам кўриб чиқилди. Бу масала юзасидан вилоят ҳокимининг капитал

(Давоми. Боши 1-бетда).

қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш масалалари бўйича ўринбосари Шавкат Қосимов ахборот берди.

Таъкидланганидек, уй-жой коммунал хўжалигини ислох қилиш, жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа объектларини 2004-2005 йиллар куз-қиш даврига тайёрлаш борасида муайян ишлар қилинмоқда. Айни пайтда бу борада ҳам айрим корхона, муассаса, ташкилотлар, шаҳар ва туманларда белгиланган тадбирлар ўз вақтида бажарилмаяпти. Айниқса, вилоят коммунал фойдаланиш бирлашмаси, «Тошвилоятгаз» худудий газ таъминоти корхонаси, Ангрен, Олмалик, Чирчиқ шаҳарлари, Бўстонлик, Қибрай, Тошкент, Зангиота туманлари ҳокимликлари уй-жой коммунал хизматлар учун қарздорликни қисқартириш, уларнинг таннарини пасайтириш юзасидан етарли иш олиб бормаяптилар.

Йиғилишда вилоят халқ хўжалигини куз-қиш мавсумига тайёрлашга мутасадди бошқармалар, хўжалик бирлашмалари, шаҳар ва туман ҳокимликларига вилоят иқтисодиёти тармоқларини мавсумга тайёрлаш бўйича белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиш, шунингдек, ижтимоий соҳалар, халқ таълими, соғлиқни сақлаш тизимларини зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, ўқув материаллари билан таъминлашга алоҳида эътибор бериш зарурлигига қаратилди.

Йиғилишда «Меҳр ва мурувват йили» дастури бажарилишининг бориши ҳам кўриб чиқилди. Бунда асосий эътиборни биринчи навбатда аҳолининг ижтимоий ночор табақаларини аниқ тарзда қўллаб-қувватлашга, соғлом авлодни тарбиялашга, янги иш ўринлари очишга, лўнда қилиб айтганда, ҳар бир шаҳар ва туман ҳудудида белгиланган тадбирларнинг ижросини таъминлашга қаратиш зарурлиги айтилди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан вилоят давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи С. Тошхўжаев, Чирчиқ шаҳар ҳокими Ш. Бобоев, Чиноз тумани ҳокими Т. Комилов, Олмалик шаҳар ҳокими Ю. Беланов, «Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металллар комбинати» очик акциядорлик жамияти бошқаруви раиси А. Ниёзматов, вилоят коммунал фойдаланиш бирлашмаси бошлиғи вазифасини бажарувчи З. Мирзаев, Ангрен шаҳар ҳокими А. Юсупов ва қатор бошқа идоралар раҳбарларининг ахборотлари тингланди.

Йиғилишда кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Равшан Файзуллаев сўзга чиқди.

Аёл, Ойла, Жамият



Тошкент вилояти хотин-қизлар кўмитасининг ойлик саҳифаси №10

Хотин-қизлар кўмиталари: Янги ланиш жараёни

Ангрендаги «Саноатқалинқоғозсавдо» очиқ акциядорлик жамияти хотин-қизлар кўмитаси амалга ошираётган ишлар шу жиҳатдан ибратлидир. Корхонада меҳнат қилаётган ишловчиларнинг тенг ярмини аёллар ташкил этади. Бинобарин, жамоада уларнинг меҳнатга бўлган муносабатини тўғри шакллантириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Яқинда мана шу хотин-қизлар кўмитасида ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Унинг иштирокчилари билдирган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, ишловчи хотин-қизлар корхонада рўй бераётган ўзгаришларга асло фарқ эмас. Улар жамоада ўз масъулиятларини чуқур ҳис қилиб, унумли меҳнат қилмоқдалар. Лекин йиғилиш иштирокчиларининг фикрича хотин-қизлар кўмитаси ўз ишини бугунги кун талаблари асосида кескин қайта қурмоғи керак.

Бундай йиғилишлар вилоятдаги барча меҳнат жамоаларида бўлиб ўтди. Ҳамма ерда хотин-қизлар ўзларининг давлат ва жамиятдаги тутган ўринларидан келиб чиқиб, ишни яхшилаш, уни Президент Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорида кўзда тутилган даражага кўтариш истагини билдирдилар.

Хотин-қизлар кўмиталари раислигига номзодлари кўрсатилган фаолларга ҳам ана шу нуқтаи назардан тегишли талаблар қўйилди. Жамоатчиликдан узилиб қолган, ўз нуқтаи назарига эга бўлмаган, давр руҳини ва талабларини ҳис эта олмаган ва уларга ҳозиржавоб бўлаолмаган, эскича иш усулларида ёпишиб қолган раҳбарларга хотин-қизлар ишонч билдиришмади. Йиғилишларда хотин-қизлар кўмиталари раислигига ташаббускор, илғор фикрли, жамоатчилик ўртасида обрў-этиборга эга бўлган маънавий баркамол аёллар сайланди. Шу кунгача вилоятимизнинг 19 та шаҳар ва туманларида ўтган хотин-қизлар конференцияларида ҳам тегишли кўмиталар ишларида шу нуқтаи назардан принципал баҳо берилди ва уларнинг аксариятида таркиб янгиланди. Бу бежиз эмас. Мамлакатимиз равнақини кўзлаб амалга оширишга йўл очиб берган йиғилишларнинг самарасини уларнинг фаол иштирокисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Аҳолисининг ярмидан кўпрогини аёллар ташкил этувчи Тошкент вилоятида бунинг аҳамияти ниҳоятда катта. Фақат хотин-қизларга бўлган эътиборни чин маънода давлат сиёсати даражасига кўтаргандагина уларнинг ижтимоий ҳаётдаги ва бунёдкорлик меҳнатидаги салмоғи ортиб боради. Албатта, бу вазифани хотин-қизлар кўмиталарининг жонли ва қизгин фаолиятисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Бугунги кунда хотин-қизларнинг ижтимоий фойдали ишларга жалб қилиш, касб-хунарга йўналтириш, касаначиликни ривожлантириш кўламли кенгайиб бормоқда. Вилоят, шаҳар ва туманларнинг хотин-қизлар кўмиталари товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, меҳнат ва иш билан таъминлаш идоралари, турли марказлар ва уюшмалар билан ҳамкорликда янги иш жойлари барпо этиш, меҳнат ярмаркалари ўтказиш билан тобора самарали шугулланмоқдалар. Чунончи, шу йилнинг ўзид

(Давоми. Боши 1-бетда).

вилоятимизда 48 та меҳнат ярмаркаси ўтказилиб, унда 755 корхона 5879 бўш иш ўрни билан иштирок этди. Шу ярмаркалар давомида 619 хотин-қиз ишга жойлаштирилиб, 600 га яқин аёл турли касбларга йўналтирилди.

Хотин-қизлар билан олиб борилаётган ишларда «Бунёдкор аёл» маркази ва «Тадбиркор аёл» уюшмаси фаолиятининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Бу нодавлат ташкилотлар хотин-қизларни тадбиркорлик, ишбилармонлик ва омилкорликка изчил йўналтириб, улар ўз иқтидорларини, салоҳиятларини ва маҳоратларини намоён этишларида кўмаклашмоқдалар. Ўтган муддат мобайнида 1 миллиард сўмдан кўпроқ кредит ажратилганлиги ҳам бунёдкор ва тадбиркор аёлларимизнинг изланишлари ва ташаббуслари тобора кенг йўл очилаётганлигидан далолат беради. Булардан ташқари вилоят хотин-қизлар кўмитаси аёлларимизни замонавий касбларга йўналтириш, уларга иқтисодий ва ҳуқуқий билимлар беришни ташкил этишга алоҳида эътибор билан қарамоқда.

Бугунги кунда соғлом оилани шакллантириш, фарзанд тарбияси, жисмоний ва маънавий соғлом нафис авлодни вояга етказиш масалалари тобора долзарб тус олаётди. Хотин-қизлар кўмиталари бу йўналишларда ҳам ўз фаолиятлари доирасини кенгайтириб бормоқдалар. Турли танловлар, кўриклар намунали оилалар, иқтидорли ёшларни аниқлаб олишга, уларнинг тарбияси билан изчил шугулланишга имкон бермоқда.

Яна бир муҳим масала борки, унга ҳар томонлама эътибор бермасдан туриб, жамиятдаги барча кучларнинг фаоллигини кўтариш мумкин эмас. Бу вилоятда яшаб, ўз салоҳияти ва иқтидорига кўра, унинг равнақига тобора катта ҳисса қўшаётган турли миллат вакиллари муносабат масаласидир. Бугун шаҳар ва қишлоқларимизда 80 дан ортиқ миллат ва элат фарзандлари ижтимоий-сиёсий тараққиётни юксалтиришга ўз меҳнатлари билан салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Хотин-қизлар кўмиталари ўз фаолиятларида бу жиҳатни асло эътибордан қочирмасликлари зарур. Шу маънода вилоят хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан иш бошлаган «Ҳамдўстлик» аёллар клубининг фаолияти тобора аҳамиятли тус олаётди. Ушбу клубда вилоятимиз аёллари хорижий ишбилармон хотин-қизлар, фан, маданият ва санъат намоёндалари билан учрашмоқдалар. Давра суҳбатлари чоғида хотин-қизларимиз хориж аёлларининг турмуши, жамият ҳаётидаги иштироки билан танишмоқдалар.

Вилоятимизда муҳим кампания – хотин-қизларнинг ҳисобот-сайлов конференциялари якунланмоқда. Уларда хотин-қизлар ҳаракатининг янги амалий ҳаракат дастурлари белгилаб олинмоқда. Ҳеч шубҳа йўқки, уларнинг изчил ва собитқадам амалга оширилиши жамият ҳаётида, давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари фаолиятида хотин-қизларнинг иштироки кўламли янада кенгайтиради, аёлларимиз салоҳияти ва ғайрат-ташаббусларини иқтисодий-ижтимоий тараққиёт вазифаларини рўёбга чиқаришга янада самаралироқ отлантиришга хизмат қилади.

Хотин-қизлар кўмитаси ўзида аввало жамоатчилик ташаббусини мужассам этадиган, биз қураётган фуқаролик жамиятининг муҳим институти, узвий бўғини ҳисобланадиган тузилмадир. Давлат ушбу жамоатчилик ташкилотини моддий қўллаб-қувватлашга, кўмаклашишга тайёр. Лекин ташаббус, фаолият замон талаблари даражасида ишчанлик қуйдан – шу ташкилот фаолларидан чиқиши керак.

Ислом КАРИМОВ.

Оҳангаронлик якка тартибдаги тадбиркор, «Бунёдкор аёл» марказининг аъзоси – Феруза Ниёзова мана етти йилдирки, тикувчилик билан шугулланади. Ҳозирда у олти нафар аёлни иш билан таъминлаган. Қўли гул чеварлар замонавий, миллий услубларда кўйлақлар, пардалар тикишади. Улар тайёрлаган бежирим, сифатли маҳсулотлар харидорларга маъқул к

либгина қолмай, уларини кўнгилдагидек безашда қўл келмоқда. Бунда албатта, харидорнинг истаги ва имконияти инобатга олинмоқда.

– Биргина ниятим, – дейди Феруза Ниёзова, – кичик бир тикувчилик корхонасини ташкил этиш. Опа-сингилларимизни бу ишга жалб этиб, ҳунарга ўргатиш.

Суратда: моҳир тикувчи Феруза Ниёзова (ўртада).



● Жараён

Етакчилар сайланди

Ўртачирчиқ туман хотин-қизлар кўмитасининг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Унинг иштирокчилари туман хотин-қизлар кўмитасининг 2001-2004 йиллардаги фаолияти, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг шу асосдаги қарори ижросини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишларни муҳокама қилишди.

Ўтган давр мобайнида кўмита томонидан амалга оширилган ишлар таҳлил этилиб, келгусидаги истиқболли режаларни янада жонлантириш ва туман хотин-қизлари ўртасидаги турли муаммолар, камчиликларни бартараф

этиш ҳамда аёлларнинг бошини бир жойга қовуштириш вазифалари кўриб чиқилди.

Бугунги кунда туманда 82 минг 870 нафар хотин-қиз истиқомат қилса, шундан 9 мингдан зиёди

(Давоми 4-бетда).

- Бугунги кунда вилоят аҳолисининг 50,3 фоизини хотин-қизлар ташкил этади.
- Вилоятда 6085 нафар раҳбар аёл халқ хўжалигининг турли соҳаларида хизмат қилмоқда.
- Ҳозирда Олий Мажлис депутатлигига 4 нафар, вилоят кенгашига 8 нафар, шаҳар, туман кенгашларига эса, 79 нафар хотин-қизлар депутат этиб сайланган.
- Бугунги кунда турли соҳада 13 нафар фан доктори, 73 фан номзоди, 108 аёл илмий ходим, шунингдек, 28 нафар аспирант ва докторантлар бор.


Рақамлар ТИЛГА кирганда

- Саноат, қурилиш ва алоқа хизматида 42,7 минг нафар аёлларимиз меҳнат қилади.
- 58,8 минг нафар хотин-қизлар қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлайди.
- Вилоят аҳолининг саломатлигини сақлашда 43,4 минг нафар аёлларимиз хизмат қилади.

- Вилоят хотин-қизларининг фидокорона меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланиб, Давлат мукофотлари совриндорлари йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Жумладан, 2002 йилда уларнинг сони 22 нафар бўлса, 2003 йилда 35 нафарга етди.
- Жорий йилда ўтказилган 48 та меҳнат ярмаркаларида вилоятимизнинг 619 нафар хотин-қизлари иш билан таъминланди, 562 нафари касбга йўналтирилди, 33 нафари ўқишга юборилди.

Хар қандай жамиятда адолат тарозуси хотин-қизларга бўлган эътибор билан белгиланади. Кейинги йилларда аёлларнинг жамиятда тутган ўрни, мавқеини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг ишлаб чиқиши, уларга ҳукумат даражасида эътибор берилиши бежиз эмас.

Эртанги кун бекаси



«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят кенгашига аъзо бўлган ёшларнинг аксарият қисмини қизлар ташкил этади. Бугунги ёш, қалбида эртанги кунга ўзагача умид ва ишонч ҳисси уйғоқ қизларни ҳаётга тўғри йўналтириш, уларнинг барча муаммо ва ташвишларини ҳал этиш, ҳар томонлама мукамал тарбиялашда олдимизда қатор вазифалар турибди. Уларни амалга оширишда, энг аввало, ҳар бир қиз эртага фаол аёл, замон ва жамият талабидаги баркамол шахс бўлиб етишишлари зарурлигини чуқур ҳис қилишимиз лозим.

Ёшларни турмушга тайёрлаш, никоҳланувчиларни тиббий куриқдан ўтказиш, яъни соғлом оилани шакллантириш, оилада тиббий ҳамда ҳуқуқий малакаларни ошириш масалалари бир бирига узвий боғлиқ. Ана шу вазифаларни амалга ошириш юзасидан вилоят кенгаши томонидан мутахассисларни жалб этган ҳолда «Саломатлигимиз ўз қўлимизда», «Соғлом турмуш тарзи», «Ўсмирлик даври ҳақида», «Ўсмир қизлар олами», «Ҳаётга тайёрмисан, қизгина», «Ўсмир болалар олами», шунингдек, «Никоҳ шартномаси

— оила мустаҳкамлиги пойдевори» мавзуларидаги тадбирлар ташкил этилиб, бу борада ёшларнинг фикр ва мулоҳазалари ўрганилмоқда.

Иқтидорли ёшларни излаб топиш, уларни қўллаб-қувватлаш ҳамда истеъдодини тўла намоён этишларига кўмаклашиш мақсадида вилоят кенгаши ва унинг жойлардаги бўлимлари томонидан ўтказиб келинаётган тадбирлар ижобий натижалар бермоқда.

Вилоятимиздаги 8816 нафар иқтидорли ёшларнинг аксариятини қизлар ташкил этади. 197 нафар қизларимиз вилоят иқтидорли ёшлар марказига аъзо бўлганлар ва уларнинг билим ва маҳоратларини янада шакллантириш, ривожлантириш бўйича марказ орқали алоҳида ўқув ишлари олиб борилмоқда.

2004 йил «Миср Ўзбекистон ёшлари нигоҳида» расмлар танлови. Республика босқичида ғолибликни қўлга киритиб, Миср Араб республикасида бўлиб қайтган қўйичирчилик 14 ёшли ўқувчи Настя Алексеевко, «Ўзбекистон қўшқлар байрами-2004» танловида совринли ўрин соҳибаси бўлган ангреник Кимёхон Қосимхонова, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Шаҳноза Шожалиловалар бугунги кунда ўз атрофида кўлаб ёшларни бирлаштириб, синфдошлари сафини кўпайтирмоқда.

Ҳар бир ўсмир қиз бир оила бекаси. Шундай экан, уларнинг бугунги тарбияси эртанги саодатли оилаларнинг кўпайиши, айтиш мумкин, фаровон жамиятнинг янада ривожланишига замин бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

Барно ЖАББОРОВА,
«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими раисининг ўринбосари.

• Минбар

Корхонамиз ишчи-хизматчилари, ходимлари асосан хотин-қизлардан иборат. Улар жамоамизнинг 96 фоизини ташкил этадилар. Аёлларимиз оддий чеварликдан тортиб, бўлим, цех бошлиқлари, муҳандислик лавозимларига эгаллашган. Ҳа, ишлаб чиқаришнинг ҳар бир жараёнини уларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Чеварлар учун шароит етарлими?

Тўғриси айтиш керак, аёлларимиз ташвишлари жуда кўп. Уларнинг меҳнат жараёни нисбатан энгил, кези келганда, жозибador бўлса айни муддао бўлади. Ҳиссдорлик жамияти маъмурияти, касаба уюшмаси кўмитаси бу муаммони доим диққат-эътиборда сақламоқда. Бу соҳада хотин-қизлар кўмитасининг сезиларли улуши бор. Касбий, жисмоний, маънавий интеллектуал салоҳиятимизни



оширишга қаратилган чора-тадбирлар муайян даражада амалга оширилмоқда.

Ҳар бир чевар меҳнатдаги

Етакчилар сайланди



соғлиқни сақлаш, 3 мингдан кўпроғи халқ таълими тизимида меҳнат қилмоқда. Бундан ташқари, 124 нафар тадбиркор ва 16 нафар фермер аёллар хотин-қизлар кўмитаси билан яқин ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Айни кунда 2 мингдан ортиқ она давлатимиз томонидан яратилган имтиёزلардан фойдаланиб келаяпти. Кўмита ташаббуси билан ҳар бир маҳаллада йўлга қўйилган тўй комиссиялари фаолият олиб бормоқда. Унда

(Давоми. Боши 3-бетда).

Жонланиш сезилаяпти

Ҳукуматимиз томонидан хотин-қизларга, аёлларга катта эътибор қаратилиб, ижтимоий ҳаётнинг барча жаҳасида фаол иштирокимизни таъминлаш, ҳуқуқ ва манфаатларимизни ҳимоялаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича қилинаётган ишлар бизни қувонтирмоқда.

Энг асосийси, бу жараёнда биз каби уй бекаларининг четда қолмаётганидир. Авваллари хотин-қизлар кўмитаси раисларини бирон-бир иш бўйича учратиш қолмасак, бошқа вақт умуман кўрмасдик. Кўмита фаолиятига доир Фармон ва қарорлар чиққандан сўнг, улар ишида жонланиш сезилди. Кунда-кунора маҳалла, гузар, қишлоқларни айланиб, у ерда истиқомат қилувчи аёллар билан суҳбатлашиб, дардларига малҳам бўлишаётганлигини кузатиш мумкин.

Марғуба ЗОКИРОВА,
уй бекаси,
Қўйичирчиқ тумани.

• Фикр

Диққат марказидаги масала

Фақат кейинги йилларнинг ўзида аҳолининг муҳтож қатламларини, ёлғиз қариялар ва ногиронларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини кучайтиришга қаратилган қанча-қанча фармон қарорлар қабул қилинмади, ахир?

Айниқса, жамият ҳаётида катта ўрин тутатган аёлларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоялаш бутун жамиятнинг ишига айланди. Уларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришда давлат идоралари, корхона ва ташкилотлар ва жамоат ташкилотларининг яқин ҳамкорлиги катта самара берапти. Буни меҳнат аҳлининг энг оммавий ташкилоти — касаба уюшмалари амалга ошираётган кўламли ишларда яққол кўриш мумкин.

Жумладан, бизнинг корхонамизда 491 хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Уларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, ҳамма иш жойларида соғлом санитария-гигиена муҳитини яратишга маъмурият катта эътибор қаратмоқда. Аёллар давлат қонунларида кўзда тутилган барча энгилликлар ва имкониятлардан баҳраманд бўлмоқдалар. Бундан ташқари касаба кўмитамиз маъмурият билан тузган жамоа шартномасида ҳам хотин-қизлар меҳнатини энгиллаштириш, иш жараёнини соғломлаштиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар кўзда тутилган. Улар асосан хотин-қизлар учун оила ва фарзанд тарбиясига кўпроқ вақт ажратиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган.

Аввало, корхонамизда 14 ёшгача бўлган фарзанди бор ёки 16 ёшга тўлмаган ногирон болани тарбиялаётган оналарнинг иш кунини бир соатга қисқартирилганлигини таъкидламоқчиман. Ҳар

кўмитасига 107 нафар аёл муурожаат қилган. Уларнинг аксарияти оиласига моддий ёрдам кўрсатилишини, айримлари эса ишга жойлаштиришда кўмак беришни сўрашган.

Маърузани муҳокама қилиш чоғида сўзга чиққанлар туман хотин-қизлар кўмитаси томонидан амалга оширилган ишлар ҳусусида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Йиғилишда тегишли қарор қабул қилинди, ташкилий масала ҳам кўрилди.

Гулнора Эргашева туман хотин-қизлар кўмитаси раиси этиб сайланди.

Ана шундай ҳисобот-конференциялари вилоятимизнинг Ангрен, Бекобод, Олмалик, Оҳангарон, Чирчиқ, Янгийўл шаҳарлари ва Оҳангарон, Ўртачирчиқ, Юқоричирчиқ, Тошкент, Чиноз, Оққўрғон, Бўка, Қўрай, Зангиота, Пскент, Бўстонлиқ туманларида ҳам бўлиб ўтди. Уларда ташкилий масалалар кўрилди. Хотин-қизлар кўмиталарининг янги таркиблари сайланди.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг муҳбири.

Ўзининг эртанги кунига ишонч билан яшаган инсон — бахтиёрдир. Кишилар қалбида шу ишончни кучайтириш, мустаҳкамлаш учун мамлакатимизда кўп иш қилинаёпти. Бу, аввало, ижтимоий муҳофазада давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигида ифодаланаётир.

бир ишчи аёл фарзанди 12 ёшга тўлгунча, меҳнат таътилига чиққанида ҳақ тўланадиган қўшимча равишда уч кундан фойдаланади. Боласи 1-синфга чиқадиган оналар ўқув йили бошланишида бир кун ишга чиқмайдилар. Лекин уларга ўртача иш ҳақи тўланади. Бундан ташқари болали аёллар ўз хоҳишларига қараб, ҳақ тўланмасдан бериладиган таътил олиб, бола тарбияси билан шуғулланишлари мумкин. Буларга ҳамма ишловчи аёлларимизга ҳар чоракда бир марта ҳақ тўланадиган дам олиш кунини белгиланганлиги, ундан ҳар қим ўз ихтиёрига кўра, истаган кунини фойдаланиши мумкинлиги қўшилса, ўйлайманки, хотин-қизларимиз учун корхонамизда яратилган шароит ҳақида мукамал тасаввур пайдо бўлади.

Жамоа шартномасида аёлларимизнинг моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган бошқа қондалар ҳам кўзда тутилган. Аёл ишловчилар 50-55 ёшга тўлганларида, албатта, уларнинг юбилейлари ўтказилади.

Кўриб турибмизки, корхонамизда аёл меҳнатчининг кадр-қиммати юқори. Улар ўз иш жойларида унумли меҳнат қилишлари, рўзгор ишларини бир маромда олиб боришлари, баркамол фарзандларни ўстиришлари учун имкониятлар доираси йил сайин кенгайиб бормоқда.

Ирода МАДАРОВА,
Ангрен Давлат иссиқлик электр станцияси касаба кўмитасининг раиси.

Дилимиз бир, илдизимиз битта

Қозоқ ва ўзбек халқларининг илдизлари туташ, удумлари, урф-одатлари, анъаналарида яқинлик ниҳоятда катта. Мана шу жиҳат мустақиллик йилларида, айниқса, ёрқин намоён бўлмоқда.

Вилоятимизда истиқомат қилаётган қозоқларнинг бошқа миллат вакиллари билан ҳамкорлиги, ҳамжиҳатлиги мустақамлашиб бораётир. Вилоятимизда яқинда мустақамлаш, ҳар бир миллатнинг анъаналари, миллий қадриятларини эъзозлаб-авайлаш ҳақида алоҳида сўз юритилаётганлигининг боиси мана шунда.

Қозоқ миллий-маданий маркази аҳоли ўртасида тарбиявий ишларни йўлга қўйиш, халқнинг миллий анъаналарини ўрганиш, ёйиш ва бойитишда хотин-қизлар кўмиталари билан бевосита ҳамкорлик олиб бораётир. Натижада ўтказилаётган турли кўриклар, танловлар, айтишувлар умумий маънавиятимизни бойитмоқда. Кейинги йилларда Бўстонлиқ ва Ўртачирчиқ туманларида айтишув ўтказилиб, миллий санъатимизнинг муҳим йўналиши яна ҳам ривожланишига салмоқли ҳисса қўшилаётир. Ўтказилаётган учрашуларда, давра суҳбатларида қозоқ ва ўзбек халқларининг урф-одатларидаги яқинлик асосида маънавий тарбияни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Янгиланаётган Ўзбекистон жамияти ўзидаги барча кучларнинг фаоллиги, ташаббускорлиги, ғайрат-шижоати билан мустақамлаш ва камол топади. Биз бу соҳада турли нодавлат ташкилотлари, шу жумладан, хотин-қизлар кўмиталари билан ҳамкорликни яна ҳам кучайтираверамиз.

Юсуф ОЙМИРЗАЕВ,
Ўртачирчиқ туманидаги Оқота қишлоқ фуқаролар йиғини раиси,
Тошкент вилояти қозоқ миллий-маданий марказининг раҳбари.

Уй-рўзғор ташвиши, бола-чақа тарбияси аёл зиммасидаги энг асосий вазифадир. Жамиятда ҳам аёлниң ўз ўрни, ўз мавқеи ва ўз вазифаси бор.

Мўлжаллаган ишларимиз кўп

Бугун давлат бошқаруви, жамоат ишлари ва бошқа ижтимоий-сиёсий жараёнларда аёлларнинг фаоллашиб бораётганини ҳисобга олсак, демак, улар давлат ва жамият тараққиётида катта кучдир. Бу кучни тўғри йўналтири олишда, аёлларнинг саъй-ҳаракати ва интилишларини қўллаб-қувватлашда ҳамда муаммоларни бартараф этишда қишлоқ, маҳаллалардаги хотин-қизлар кўмиталарининг ўрни алоҳида ажралиб туради.

Бугунги кунда бизнинг Хонобод қишлоғида 11 минг 400 нафар аёл истиқомат қилади. Улар орасида раҳбарлик лавозимларида фаолият олиб бораётганлар, тадбиркорлик, ишбилармонлик билан шуғул-

ланиб, замон билан ҳамнафас қадам ташлаётган аёллар талайгина. Ана шундай хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалардаги аёлларнинг турмуш тарзи ва яшаш шароитларини яхшилаш йўлида амалий ишлар қилинмоқда. Биргина мисол: янги ташкил этилаётган маҳалаларга газ ва ичимлик суви келтиришда Маҳмуд Жўраевнинг жонқуярлиги ўз самарасини бермоқда. Ёки «Янги турмуш» маҳалласи хотин-қизлар кўмитаси раиси Малика Охуновани олиб кўрайлик. Ўзи вилоят судида халқ маслаҳатчиси вазифасида меҳнат қилади. Аммо, маҳалладаги ҳаёт, у ердаги муаммолар доимо унинг диққат мар-



Ислохотлар енгил кўчмайди

Биз ўз ёруғ истиқболимиз сари дадил қадамлар билан бораёلمиз. Кенг кўламли ислохотлар бу йўлдаги саъй-ҳаракатимизга жўшқинлик бағишлаётганлигини кўриб турибмиз.

Мен, хусусан, тиббиёт соҳасидаги ислохотларнинг самараларини кўриб, чуқур ҳис қилиб яшайман. Чунки ўзим соғлиқни сақлаш, турли касалликларнинг олдини олиш, соғлом болалар туғилишига эришиш учун амалга оширилаётган чора-тадбирлар ижрочиларидан бириман.

Шундай бўлдики, бир пайтлари шахримизда болалар ўлимининг кўпаяётганлиги сезилди. Шунда ҳокимият, бутун соғлиқни сақлаш тизими, бошқа нодавлат ташкилотлар, турли жамиятлар ва жамғармалар оёққа турди. Шаҳар хотин-қизлар кўмитаси бу борада фаоллигини кучайтирди, аёл, оила ва тарбия тизимида соғлиқни сақлашга алоҳида урғу берилди бошланди. Оилада тиббий маданиятни оширишга эътибор кучайтирилди. Ишни оналарни соғломлаштириш, ҳомиладорлик палласи бир маромда ўтишига эришиш чораларини кўришдан бошланди. Туғиш ёшидаги аёллар диспансер кўригидан ўтказилди, ҳомиладор аёлларнинг

ҳолатини узлуксиз кузатиб бордик. Биринчи қақирда бўлажак оналар тажрибали мутахассислар кўригидан ўтказилиб, маслаҳат ва тавсиялар берилди. Фарзанд туғилганидан кейин олис хонадонларда яшовчи она ва бола муттасил назоратимизда бўлишига эришдик. Зарур ҳолларда патронаж хизмати ташкил этдик. Бола соғлом ўсишида она сутининг аҳамиятини жамоатчиликка ҳар томонлама тушунтириб, тиббий ташвиқот-тарғиботга алоҳида эътибор қарата бошладик.

Бу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини берди. Шаҳримизда болалар ўлими кескин камайди, соғлом гўдаклар дунёга кела бошлади.

Албатта, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотлар шунчаки енгил кечмайдими. Айниқса, шифохоналарни тиббий техника, ташхис-даволашнинг энг замонавий ускуналари билан таъминлаш катта-катта маблағлар талаб қилади. Бугунги ислохотларнинг хусусияти – ҳар қандай дастур,

чора-тадбир молиявий маблағлар билан қатъий равишда таъминланаётганлигидадир. Буни биз кундалик иш шароитимизда кўриб-кузатиб турибмиз. Жумладан, шу йилнинг дастлабки олти ойи давомида Олмалиқ шаҳридаги тиббиёт муассасалари 300 миллион сўмлик энг замонавий ускуналар олишди. Унинг кўп қисми бизнинг бирлашган болалар шифохонамизга ҳам ўрнатилди. Эндиликда биз ташхис қўйиш ва даволаш жараёнларида улардан фойдаланаётимиз. Бу оналар саломатлигини яхшилаш, соғлом авлодни дунёга келтириш, гўдаклар соғлом ўсишларига эришишимизда ниҳоятда қўл келаяпти.

Ҳа, мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш, соғлом ва бахтли оналик ва болаликни таъминлаш бутун жамиятнинг ишига айланди. Унинг учун на давлат, на жамоат ташкилотлари, на корхоналар ва катта-кичик идоралар маблағни аямаяпти. Хотин-қизлар кўмиталари маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари билан яқин ҳамкорликда куч ва маблағларни бирлаштириши эса, тиббиёт соҳасида даволаш, соғлиқни мустақамлаш даражасини ошираяпти.

Валентина АДАМОВА,
Олмалиқ шаҳар бирлашган болалар шифохонасининг бўлим мудири.

казида. Бундай фидойи аёлларимиз қишлоқда кўпчиликни ташкил этади. Маҳаллалар ҳам уларнинг маслаҳатларига таяниб иш кўради.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, Президентимизнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ушбу фармон ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига асосан жойларда амалий ишлар бошлаб юборилди. Ҳисобот-сайлов йиғилишларида хотин-қизлар кўмиталаридаги муаммолар муҳокама этилиб, уни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланмоқда. Айниқса, ўсмир ёшлар орасида жиноятчилик-хукуқбузарликнинг олдини олиш, болаларни спортга кенг жалб қилиш, қизлар орасида учрайдиган турли хасталиклар ва унинг оқибатларини бартараф этиш, қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳга йўл қўймаслик, тўй ва маъракаларни ихчамлаштириш борасидаги тарғибот ва тушунтириш ишларимиз ўзининг ижобий натижаларини бера бошлади.

Тўғри, менга ишонч билдириб, ушбу лавозимга сайлашганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Аммо, масъулиятни ҳис этган ҳолда изланиб, интилиб, қишлоқдаги ҳақиқий ҳаётни билишга, аввалги хотин-қизлар кўмитаси фаолиятидаги камчиликлардан хулоса чиқариб ишлашга ҳаракат қилаяман.

Дилдора УМАРОВА,
Зангиота туманидаги Хонобод қишлоқ фуқаролар йиғини хотин-қизлар кўмитасининг раиси.

Обрў мисқоллаб келади

Ҳаёт доим қайноқ, ундан нолганимиз билан бирон нарса ўзгармайди. Шунинг учун инсон доим изланиши, виждон, масъулият билан ишлаши керак. Шунда оилада ҳам, халқ орасида ҳам обрў-этибор топади.

1997 йил Молия институтини тамомлаб, вилоят солиқ бошқармасининг экспорт, импорт, валютага оид операцияларни назорат қилиш бўлимига ишга келдим.

Бўлимимиз вилоят ҳудудидagi барча корхоналар, фирмалар, умуман олганда жамиқ солиқ тўловчиларнинг банкдаги ҳисоб рақамларига қанча пул тушганлигини назорат қилади.

Ишимиз анча мураккаб. Лекин дунёда осон ишни ўзи борми? Менимча ҳар бир касбнинг ўзига яраша қийинчиликлари бўлади. Ўз соҳамни яхши тушунам ва севаман. Тўғри, даромадини яшириб, ҳисоб рақамига пул тушумини камайтирган корхоналар билан келишмовчиликка ҳам бориб турамыз. Бироқ, бу иш. Кундалик фаолиятимиз биздан ҳалол, қатъият ва бир сўзли бўлишни талаб этади. Шундай аёл бўла олганимдан фахрланаман.

Малика
ТОШМУҲАММЕДОВА,
вилоят давлат солиқ бошқармасининг шўба мудири.

Фикр

Бошланғич бўғин мустақкам бўлса

Ҳар қандай жамиятда оила бошланғич бўғин ҳисобланган. Ундаги муҳит ва ҳар бир жараён давлат ривожига ўзининг у ёки бу таъсирини ўтказмай қўймайди. Шунинг учун бўлса керак, янги оилаларни барпо этиш, ёшларни ҳаётга, унинг турли синовларига тайёрлаш масаласи давлат сиёсати даражасида ўз ижросини топади.

Бугун мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда оилада тиббий маданиятни ошириш, ёшларни ҳаётга тайёрлаш масалаларининг кенг ўрин олганлиги ҳам юртимизда Ватан келажagini таъминловчи оиладек муқаддас макон нақадар улугълашининг яна бир бор кўринишидир.

Бекобод шаҳрида ҳам ҳар йили юзлаб оилалар пайдо бўлади. Уларнинг тинч-тотув яшаб кетишлари эса, бизнинг кўрсатган йўл-йўриқларимиз, тарғибот-ташвиқот ишларимизга ҳам бирмунча боғлиқдир. Ўтган йили шаҳарда 500 та оила янги ҳаёт сари қадам қўйди.

Бу йил ҳам 500 дан зиёд оилани катта ҳаётга учирма қилишни режалаштирганмиз. Бизнинг асосий мақсадимиз оилалар, айниқса, ёшлар ўртасида ажралишларнинг олдини олишга қаратилган. Шу маънода

марказий шифохона, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, маҳалла, хотин-қизлар кўмиталари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан кенг ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Улар билан биргаликда ёшлар ўртасида оила, унинг ўнқир-чўнқир йўллари, ёшлар тиббий кўриқдан ўтишларининг асосий муддаоси ва бошқа бир қатор мавзуларда мунтазам равишда тадбирлар ва яқка суҳбатларни уюштириб борамиз.

Ниятимиз эса ягона — юртимизда тўй-томоша бўлсин, файзли хонадонларда файзли оилалар қурилсин, уларда етти мучаси соғлом фарзандлар туғилиб, Ватан равнақи йўлида хизмат қилувчи баркамол инсонлар етишиб чиқсин.

Малика ШАРИПОВА,
Бекобод шаҳар
ФХДБ бўлими мудири.



• Фикр

Энди фаолроқ ишлаш керак

Мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда Республика Вазирлар Маҳкамасининг унинг ижросини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган дастурни тасдиқловчи қарори аёллар ҳаётида мутлақо янги даврнинг бошланишига хизмат қилмоқда.

Ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар билан атрофлича танишар эканмиз, олдимизга қўйилган вазифалар ўта залворли, шу билан бирга долзарб ва хайрли эканлигини чуқур англадик.

Дарҳақиқат, бугун хотин-қизлар фаолиятида йўл қўйилаётган қатор хато ва нуқсонлар, ечимини қутаётган масалалар, жамиятни ҳа-ҳолат сари етаклаётган иллатларга беписандлик, оддий аёлларни қийнаётган мураккаб муаммоларга бепарволик каби камчиликлар ҳам кўп-кўп учрамоқдаки, жойлардаги хотин-қизлар кўмиталари ўзларига яратилган имкон ва шароит, улкан ваколатлардан оқилона фойдаланиш буларга барҳам беришлари даркор.

Кези келганда таъкидлаш керак, жамиятимиз аъзоларининг ярмидан кўпчилиги биз, аёллар ташкил этамиз. Ўз-ўзидан англашилдики, кундалик ҳаётимизнинг исталган жабҳасида, беистисно барча воқеликлар марказида аёл туради. Шундай экан, аёлнинг кўнглини олмай, муаммосини ҳал қилмай туриб бирор мақсадга эришиб бўлмайди. Ҳар жихатдан мукамал жамият қурмоқчи бўлсак, ўз навбатида ана шу масалаларга ҳам жиддий эътибор қаратишимиз муҳимдир.

Ўз фаолиятимиздан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, қишлоқ аёллари фаоллигини ошириш, жамиятда тутган ўрни ва мавқеини юксалтиришга ҳаракат қилишни устувор вазифамиз деб белгиланганмиз. Бугун ишга лаёқатли аёлларимизнинг барчаси маълум

йўналишда фаолият олиб бормоқда. Биргина қишлоғимизда 200 дан зиёд муаллим-тарбиячи, бош пудратчи аёллар бор. Тадбиркор аёлларимиз сони ҳам тобора ортмоқда. Дилфуза Йўлдошева, Гули Ҳайдаркулова каби туманимизда ишбилармонликда донг таратган аёллар ҳам қишлоғимиз хотин-қизлари кўмитасининг фаол жамоатчиларидир. Яна бир қишлоқдошимиз тадбиркор Маърифат Бекова эса, шахсий корхонасида 100 дан ортиқ аёлларни иш билан таъминлади.

Хотин-қизлар кўмиталари фаолиятини тубдан ўзгартиришга йўналтирилган ҳукумат қарори барчамизни янгича фикрлаш ва ишлашга ундайди. Хотин-қизлар кўмиталари раислари, аввало, жамоат ташкилоти раҳбари сифатида оддий аёллар ҳаётига кириб фаолият олиб бормоқлари даркор. Ана шундагина жойлардаги хотин-қизларнинг ҳақиқий ҳаёти, турмуш тарзи, муаммолари билан танишишлари, уларга бирор амалий кўмак, мадад бера олишлари мумкин. Ўзимизни жамиятнинг фаол аъзоси деб билар эканмиз, барчамиз шу жамиятнинг улкан қатлами бўлмиш аёлларнинг умумманфаатларини ўйлаб, хотин-қизлар мавқеини ошириш йўлида фидокорона хизмат қилмоғимиз даркор.

Мавлуда АЎЗАМОВА,
Паркент тумани, Заркент
қишлоқ хотин-қизлар
кўмитаси раиси.

• Бекажон



Соч – хусн курки

Соч киши хуснига хусн қўйиши билан бирга, саломатлиқни асрашда зарур тиббий омиллардан бири ҳисобланади. Унинг асосини мустаҳкамлаш ва жило бериш учун қуйидаги оддий, бироқ ҳаётда синалган амалга эътибор берилса яхши бўлади.

Бунинг учун бир-икки дон тухум саригини бир ош қошиқ ўсимлик (канакунжут, зайтун ёки кунгабоқар) мойи билан аралаштириб, иситилди. Сўнг, яхши қовушган аралашма бош терисига ишқалаб сингдирилган, устидан полиэтилен ўраб, сочқ билан боғлаб қўйилади. Бир соатдан сўнг совутиб ювиб ташланади.

Илмий маълумотларга кўра, соч махсус чўткалар билан таралганда, миёда қон айланишига ижобий таъсир кўрсатади. Бу ўзига хос уқалаш муолажасини ўтайди. Шунингдек, чўтка сочдаги ғубор, қазғоқ ва кирлардан халос қилади.

Мутахассис шифокор В. Артуонов лимоннинг галати хосияти тўғрисида маълумот беради. Киши ҳар ойда бир марта бошини лимон шарбати билан артиб турса, шубҳасиз, у кутилган самара беради.

Жумладан, лимон бош терисидagi қон томирлар фаолиятини яхшилайди, сочининг мустаҳкам бўлишига ёрдам беради. Шу билан бирга лимонда антисептик хусусият бўлгани туфайли, сочда бўладиган баъзи бир нохуш хасталикларнинг келиб чиқишига барҳам беради.

Аёлларни фақат улуғ одамлар ҳурмат қилади. Уларни фақат пасткаш одам хўрлайди.
Ҳадисдан.

• Мулоҳаза

Маълумки, ижтимоий ислохотлар даврида жамиятни аёллар иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари камситилган жамиятни юксак маданиятга жамият деб ҳисоблашнинг ўзи ноўрин.

Жаҳон тарихида қайд этилишича, 1848 йили Кэди Стентон ва аёллар ҳуқуқларининг яна бир ҳимоячиси Лукреция Мокт Нью-Йоркнинг Сенеп Фолз мавзесида аёллар ҳуқуқларининг дунё тарихида биринчи конвентини ташкил этишди. Бу конвент қатнашчилари эркаклар билан бир хил тенглик, овоз бериш ҳуқуқи, таълим-тарбия ва ишга ёлланганда тенг имкониятлар талаб этувчи декларация ишлаб чиқди. Айнан шу йили Нью-Йорк штатида турмуш қурган аёлларга ўз мулкни ўз номида сақлаб қолишга рухсат этувчи қонун чиқарилди. 1869 йили Б. Антони аёлларнинг овоз бериш ҳуқуқи рухсат этувчи қўшимчани Конституцияга киритишга ундовчи Умумдавлат Аёл-



• Фарзандларим! Тарбия шундай азиз нарсаси, у инсонни ҳамма вақт тўғри йўлдан олиб боради. Одамларнинг қай даражада тарбияли ва тарбиясиз эканликлари юриш-туришидан, муомала ва муносабат-

ларидан кўриниб туради. Тарбияли одам ўзини катта тутмайди, манманликка йўл қўймайди.

• Ҳаёт ҳар бир кишига улкан ва бебаҳо туҳфа инъом этади, бу куч-қувватга тўла ёшлик, билим ва курашга чанқоқлик, ишонч ва орзу-умидга тўла ўспиринликдир. Вақтида қадрига етиб, ўзининг намоён эт.

• Ушбу беш хислатни уқиб ол! Ўстининг севиш, халққа манфаат етказиш, ёмонликдан узоқ бўлиш, одамлардан таъминлини узиш ҳамда ўлимни мардона кутишни ўзи учун фазилат деб билган киши энг фозил кишидир.

• Агар сен ишни ўринли танлай билсанг ва унга ўзининг, бутун қалбининг бахш эта олсанг, бахтининг ўзи сени излаб топади.

• Илм шундай бойликки, у сенинг ақлингни мустаҳкамлай-

ди, ҳулқингни поклайди, таҳсинга сазовор бўлган янгиликларни олиб киради. Ёзишга, ижод қилишга, тасниф этишга шароит яратади. Бу билан эса, сени камолга етказиб, умрининг боқий қилади.

• Болажоним, доим тиришқоқ бўл! Зеро, дунёдаги барча тирик нарсаси ҳаракат қилади, интилади ва шу туфайли ҳаётга, зарур бўлган нарсаларга етишади.

Ҳатто, энг заиф бўлган арилар, чумолилар ва қушлар ҳам интилишда бўлиб, ёздан ташқари, қиш ғамини ейдилар-ку. Шундай эмас-ми?

• Меҳнатни севиш, ғайрат ва матонат билан ишлашнинг учта ширин меваси бор. Биринчиси — таннинг саломатлиги, иккинчиси — кўнгли роҳати, учинчиси — эса, ақл ва зеҳнининг орттишидир.

• Бирор кимса ҳақида гапирётганда ўша кимсани қўл чўзиб, бармоқ билан кўрсатиш, гапирётганда эса, кўзига қарамай, бошқа ёққа ёки бошқа нарсаларга қараб туриш ҳам ёқимсиз феълдир. Ушбу иллатлардан ўзининг тий.



ҲОСИЯТ МОМО

Савол беринг, жавоб берамиз

Саволларга Ўзбекистон касаса уюшмалари Тошкент вилояти кенгазининг ҳуқуқшуноси Надежда Ефимова жавоб беради:

«Қарамоғимда уч ёшга тўлмаган фарзандим бор. Бундай ҳолатда бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда иш вақтининг қандай муддати белгиланган?

Қумри Саидова, Оҳангарон».

Уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда иш вақтининг қандай муддати белгиланган?

Иш вақтининг қисқартирилмаган муддати чоғида бундай аёллар меҳнатига ҳақ ҳар кунги меъёрий иш муддати чоғида тегишли тоифадаги ходимлар учун белгиланган миқдорда тўланади.

Шунга эътибор бериш зарурки, бу меъёрни қўллаш фақат уч ёшга тўлмаган боласини амалда тарбия қилаётган, ўзлари эса, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлайётган аёллар ва бошқа шахсларга (Меҳнат кодексининг 238-моддаси) татбиқ этилади. Бу бюджет ҳисобидан молиявий таъминланмайдиган корхоналарда бундай имтиёз жамоа шартномасида корхоналарнинг ўз даромадлари ҳисобидан белгиланиши мумкин демакдир.

«Турмуш ўртоғим корхонада тунги сменада ишлайди. Тунги иш муддатини кундузги иш муддатига тенглаштириш мумкинми?

Ёқутхон Жамилова, Бекобод».

Меҳнат кодекси 122-моддасининг 3-қисмига биноан ишлаб чиқариш шароитларига кўра зарур бўлган ҳолларда, хусусан ишлаб чиқариш узлуксиз бўлган жойларда, шунингдек, бир кун дам олинмайдиган олти кунлик иш ҳафтаси шароитида смена бўлиб ишланаётган жойларда тунги иш муддати кундузги иш муддатига тенглаштирилади.

атида тутиб туриш турмушда уларнинг мутелиги ва тобелигини таъминлаш учун онгига жисмоний ва руҳий таъсир этади.

Бирлашган Миллатлар ташкилотининг маълумотларига қараганда, дунёда миллионлаб аёллар жисмоний ўзравонлик хавфи остида яшайдилар. Шунинг алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, аёллар қўшиши мумкин бўлган ҳиссадан маҳрум бўлган жамият кўп нарсани йўқотади.

Эрлари томонидан аёлларга ўзравонликлар бўлиши айрим ҳонадонларимизда учраб туради. Бир бахтиқаро аёлнинг эри томонидан мунтазам калтакланиши, фарзандсизлиги сабабли ҳақоратланиши оқибатида у ўз жонига қасд қилганлигини биламан. Бундай аянчли ҳодисаларнинг олдини олишда мамлакатимизда ҳам хотин-қизларга қарши ўзравонликни бартараф қилиш тўғрисида қонун қабул қилинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Қундузой РЎЗИМОВА,
Тошкент Давлат юридик
институтини талабаси.

Ҳуқуқларимиз ҳақида

лар овоз бериш уюшмасини таъсис этди. Шу тариқа аёллар ҳуқуқи ўз мавқеига эга бўлиб бормоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам аёлларга кенг имкониятлар очилган. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамятига кириши, унинг «Аёлларга нисбатан камситилишнинг ҳамма шакллари»ни бартараф қилиш тўғрисида»ги Конвенцияга қўшилганлиги бунинг яққол далилидир.

Ҳозирги замон Шарқ аёли макомини белгилаб олиш учун тарихнинг муайян давларида уларнинг жамиятдаги роли, эркаклар билан тенг ҳуқуқлиги ҳақида гапириш у ёқда турсин, ҳатто бу ҳақда ўйлаш ҳам мумкин бўлмаганлигига гувоҳ бўламиз. Ижтимоий онгда қотиб қолган асрий одатларнинг кучи одамлар ирода-сини шунчалик ўз измига олганки, хотин-қизларни ўз ито-

ЎЎРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

«RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI TOSHKENT VILOYATI BO'LIMI» МЧЖ

Сизларни 2004 йил 3, 10, 17, 24, 31 август ва 7, 14, 21, 28 сентябрь кунлари соат 12 да ўтказиладиган навбатдаги аукцион савдоларига таклиф этади.

Савдоларга куйидагилар кўйилади:

Т/р	Ер майдонларининг жойлашган манзили, майдони, сони	Ҳар бир ер майдонининг бошланғич баҳоси
1.	Куйичирчиқ тумани, «Абай» ш/х, «Кушек» қишлоғида жойлашган, сатҳи 600 кв.м. бўлган 9 та ер майдони	34800
2.	Куйичирчиқ тумани, «Абай» ш/х, «Қўрғонча» қиш., сатҳи 600 кв.м. бўлган 67 та ер майдони	34800
3.	Куйичирчиқ тумани, «Абай» ш/х, «Ўлжа» қиш., жойлашган, сатҳи 600 кв.м. бўлган 13 та ер майдони	34800
4.	Куйичирчиқ тумани, «Ўзбекистон 5 йиллиги» таж/х, «Тинчлик» бўлими, сатҳи 600 кв.м. бўлган 2 та ер майдони	43500
5.	Куйичирчиқ тумани, «Ўзбекистон 5 йиллиги» таж/х, Пахтазор бўлими, сатҳи 600 кв.м. бўлган 75 та ер майдони	43500
6.	Куйичирчиқ тумани, «Ўзбекистон 5 йиллиги» таж/х, Олмазор бўлими, сатҳи 600 кв.м. бўлган 38 та ер майдони	43500
7.	Куйичирчиқ тумани, «Ўзбекистон 5 йиллиги» таж/х, Дўстлик бўлими, сатҳи 600 кв.м. бўлган 22 та ер майдони	43500
8.	Куйичирчиқ тумани, «Ўзбекистон 5 йиллиги» таж/х, «Навоий» бўлими, сатҳи 600 кв.м. бўлган 19 та ер майдони	43500
9.	Куйичирчиқ тумани, «Юлдуз» ш/х, «Юлдуз қиш., сатҳи 600 кв.м. бўлган 7 та ер майдони	34800
10.	Куйичирчиқ тумани, «Ҳамза» ш/х, «Истиқлол» қиш., сатҳи 600 кв.м. бўлган 5 та ер майдони	26100
11.	Куйичирчиқ тумани, «Ҳамза» ш/х, сатҳи 600 кв.м. бўлган 2 та ер майдони	26100
12.	Куйичирчиқ тумани, «Беруний» ш/х, «Иттифок» қиш., сатҳи 600 кв.м. бўлган 8 та ер майдони	34800
13.	Куйичирчиқ тумани, «Беруний» ш/х, «Хўжаликан» қиш., сатҳи 600 кв.м. бўлган 3 та ер майдони	34800
14.	Куйичирчиқ тумани, «Беруний» ш/х, «Нурбой ота» қиш., сатҳи 600 кв.м. бўлган 3 та ер майдони	34800
15.	Куйичирчиқ тумани, «Янги ҳаёт» ш/х, «Чингиз» қиш., сатҳи 600 кв.м. бўлган 11 та ер майдони	34800
16.	Куйичирчиқ тумани, «Янги ҳаёт» ш/х, «Чингиз» қишлоғида жойлашган Марказий кўчаси, сатҳи 600 кв.м. бўлган 16 та ер майдони	34800
17.	Куйичирчиқ тумани, «Гулистон» ш/х, «Хўжавул» қиш., сатҳи 600 кв.м. бўлган 45 та ер майдони	34800
18.	Куйичирчиқ тумани, «Улғубек» ш/х, «Мингчинон» қиш., сатҳи 600 кв.м. бўлган 6 та ер майдони	34800
19.	Куйичирчиқ тумани, «Улғубек» ш/х, «Ғалаботир» қиш., сатҳи 600 кв.м. бўлган 65 та ер майдони	43500
20.	Куйичирчиқ тумани, «Дўстлик» ш/х, «Кушек» қиш., сатҳи 600 кв.м. бўлган 19 та ер майдони	34800
21.	Куйичирчиқ тумани, «Дўстлик» ш/х, «Қизона» қиш., сатҳи 600 кв.м. бўлган 7 та ер майдони	34800
22.	Куйичирчиқ тумани, «Дўстлик» ш/х, «Мамут» қиш., сатҳи 600 кв.м. бўлган 2 та ер майдони	34800
23.	Куйичирчиқ тумани, «Меҳнатобод» ш/х, «Жумагул» қиш., сатҳи 600 кв.м. бўлган 35 та ер майдони	34800
24.	Куйичирчиқ тумани, «Пахтачи» ш/х, «Жамғирчи» қиш., сатҳи 600 кв.м. бўлган 11 та ер майдони	34800
25.	Куйичирчиқ тумани, «Пахтачи» ш/х, «Жалоир» қиш., сатҳи 600 кв.м. бўлган 11 та ер майдони	34800
26.	Куйичирчиқ тумани, «Ўжакент» ш/х, «Гул» қиш., сатҳи 600 кв.м. бўлган 12 та ер майдони	34800
27.	Оҳангарон тумани, Увак қ.ф.й., Облик қишлоғида жойлашган, сатҳи 400 кв.м. бўлган 6 та ер майдони	22000
28.	Оҳангарон тумани, Увак қ.ф.й., Облик қишлоғида жойлашган, сатҳи 600 кв.м. бўлган 6 та ер майдони	33000
29.	Олмалик шаҳар, Бўстон кўрғони, 1-микрорайонда жойлашган, сатҳи 600 кв.м. бўлган 9 та ер майдони	39000
30.	Янгийўл тумани, «Гулбаҳор» кўрғонида жойлашган, сатҳи 600 кв.м. бўлган 4 та ер майдони	140.650
31.	Оҳангарон шаҳар, Мустақиллик 2-кесишув кўчасида жойлашган, сатҳи 0,0588 гектар бўлган ер майдони	59682
32.	Оҳангарон шаҳар, Мустақиллик 2-кесишув кўчасида жойлашган, сатҳи 0,06 гектар бўлган 2 та ер майдони	60900
33.	Оҳангарон шаҳар, Мустақиллик 1-кесишув кўчасида жойлашган, сатҳи 0,062 гектар бўлган ер майдони	62930
34.	Оҳангарон шаҳар, Мустақиллик 1-кесишув кўчасида жойлашган, сатҳи 0,06 гектар бўлган 3 та ер майдони	60900
35.	Бекобод тумани, «Хос» ширкат ҳўжалиғида жойлашган, сатҳи 0,04 гектар бўлган 33 та ер майдони	31320
36.	Олмалик шаҳар, Навоий кўчасида жойлашган, сатҳи 0,06 гектар бўлган 2 та ер майдони	101640
37.	Оқўрғон тумани, «Қаҳрамон» ширкат ҳўжалиғида жойлашган, сатҳи 0,06 гектар бўлган ер майдони	64000
38.	Оқўрғон тумани, «Олимжон» ширкат ҳўжалиғида жойлашган, сатҳи 0,06 гектар бўлган ер майдони	64000
39.	Оқўрғон тумани, Олимжон кўрғони ҳудудида жойлашган, сатҳи 0,06 гектар бўлган ер майдони	64000
40.	Оқўрғон тумани, Оқўрғон шаҳри ҳудудида жойлашган, сатҳи 0,06 гектар бўлган 4 та ер майдони	64000
41.	Бўстонлиқ тумани, «Парос» ширкат ҳўжалиғи ҳудудида жойлашган, сатҳи 0,04 гектар бўлган 2 та ер майдони	88704
42.	Бўстонлиқ тумани, «Парос» ширкат ҳўжалиғи ҳудудида жойлашган, сатҳи 0,0398 гектар бўлган ер майдони	88260
43.	Паркент тумани, «Хисарақ» ш/х ҳудудида жойлашган, сатҳи 0,06 гектар бўлган 2 та ер майдони	78672
44.	Куйичирчиқ тумани, «Улғубек» ш/х, «Мингчинон» қишлоғида жойлашган, сатҳи 600 кв.м. бўлган 6 та ер майдони	43500

45.	Паркент тумани, «Бўстон» ширкат ҳўжалиғи ҳудудида жойлашган, сатҳи 0,06 гектар бўлган 4 та ер майдони	43500
46.	Оҳангарон тумани, Увак қ.ф.й., Облик қишлоғида жойлашган, сатҳи 0,04 гектар бўлган 31 та ер майдони	37120
47.	Оҳангарон тумани, Увак қ.ф.й., Облик қишлоғида жойлашган, сатҳи 0,06 гектар бўлган 34 та ер майдони	55680
48.	Паркент тумани, «Чўкайма» маҳалласида жойлашган, сатҳи 0,06 гектар бўлган 2 та ер майдони	110880
49.	Янгийўл тумани, «Қовунчи» ширкат ҳўжалиғи ҳудудида жойлашган, сатҳи 0,04 гектар бўлган 85 та ер майдони	25704
50.	Қўрай тумани, «Янгиобод» қишлоқ ҳўжалар йиғинида жойлашган, сатҳи 0,04 гектар бўлган 2 та ер майдони	470000
51.	Ангрен шаҳар, «Марказ-13»да жойлашган, сатҳи 0,06 гектар бўлган 12 та ер майдони	125280
52.	Зангиота тумани, «А.Навоий» ширкат ҳўжалиғи ҳудудида жойлашган, сатҳи 0,04 гектар бўлган 11 та ер майдони	309000
53.	Зангиота тумани, «А.Икромов» ширкат ҳўжалиғи ҳудудида жойлашган, сатҳи 0,04 гектар бўлган 40 та ер майдони	185400
54.	Оҳангарон шаҳар, Турман Юсупов кўчасида жойлашган, сатҳи 0,0589 гектар бўлган ер майдони	90706
55.	Оҳангарон шаҳар, Турман Юсупов кўчасида жойлашган, сатҳи 0,0592 гектар бўлган ер майдони	91168
56.	Оҳангарон шаҳар, Мустақиллик кўчасида жойлашган, сатҳи 0,06 гектар бўлган ер майдони	92400
57.	Паркент тумани, «Бойқозон» ширкат ҳўжалиғи, Сурхи мавзесида жойлашган, сатҳи 0,06 гектар бўлган ер майдони	78672
58.	Оҳангарон шаҳар, Водоканал корхонаси ҳамда «Тошкент-Ўш» автотрасса яқинида жойлашган, сатҳи 250 кв.м. бўлган ер майдони	113300

Т/р	Автотранспорт воситаси русуми, ишлаб чиқарилган йили, давлат рақами ва балансида ушлаб турувчи корхона	бошланғич баҳоси
1.	Тошкент вилояти табиати муҳофаза қилиш кўмитасига қарашли «УАЗ-31512-10» русумли, 1995 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 75-50 ТНД бўлган автотранспорт воситаси	815700
2.	Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси Тошкент вилояти бошқармасига қарашли «УАЗ-31512» русумли, 1990 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 63-05 ТНБ бўлган автотранспорт воситаси	576900
3.	Тошкент вилояти, Бекобод тумани, марказий шифохонасига қарашли «УАЗ-3152-01» русумли, 1988 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 АЕ 668 бўлган автотранспорт воситаси	414500
4.	Тошкент вилояти, Янгийўл тумани давлат солиқ инспекциясига қарашли «ГАЗ-2410» русумли, давлат рақами 11 АВ 335, 1992 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси	1.060.000
5.	Тошкент вилояти ҳокимиятининг махсус базасига қарашли «ГАЗ-24» русумли, давлат рақами 83-83 ТНА, 1979 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси	530000
6.	Тошкент вилояти прокуратурасига қарашли, «ГАЗ-2410» русумли, давлат рақами 10 АЕ 850, 1990 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси	718300
7.	Давлат божхона кўмитасининг Тошкент вилояти бошқармасига қарашли «ИЖ-21251» русумли, давлат рақами 10 АВ 491, 1993 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси	326400
8.	Давлат божхона кўмитасининг Тошкент вилояти бошқармасига қарашли, «ГАЗ-2411» русумли, давлат рақами 10 АК 055, 1991 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси	760600
9.	Давлат божхона кўмитасининг Тошкент вилояти бошқармасига қарашли «ИЖ-21251» русумли, давлат рақами 10 АК 051, 1993 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси	326400
10.	Давлат божхона кўмитасининг Тошкент вилояти бошқармасига қарашли, «ИЖ-21251» русумли, давлат рақами 10 АН 725, 1992 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси	326400
11.	Давлат божхона кўмитасининг Тошкент вилояти бошқармасига қарашли «ИЖ-21251» русумли, давлат рақами 10 АН 721, 1992 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси	326400

Ер майдонлари савдоларида қатнашиш учун ариза қабул қилиш савдо кунидан уч кун олдин тўхтатилади.

Автотранспорт воситаси савдоларида қатнашиш учун ариза қабул қилиш савдодан бир соат олдин тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун 10 фоизлик закат пулини қабул қилиш аукцион савдосидан бир соат олдин тўхтатилади.

Бундан ташқари, олдинги аукцион савдоларида сотилмай қолган ёки савдо натижаси бекор қилинган кўчмас мулк объектлари, автотранспорт воситалари ва ер майдонлари ҳам ушбу савдоларга кўйилади.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳар, Мовароуннахр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти.

Мурожаат учун телефонлар: 133-28-52, 133-77-18, **факс:** 133-43-73.

Ҳафтанинг ҳар душанба, чоршанба ва жума кунлари Республика кўчмас мулк биржаси ва унинг бўлимлари билан ўтказиладиган марказлаштирилган биржа савдоларига куйидаги объектлар кўйилади:

Т/р	Объект номи ва балансида ушлаб турувчи корхона	бошланғич баҳоси
1.	Чирчиқ шаҳар, 8-мавзе, 40-А уйда жойлашган, Чирчиқ шаҳар ҳокимиятига қарашли, сатҳи 368,3 кв.м. бўлган, нотураж жой биноси	4.720.800
2.	Юқоричирчиқ туманида жойлашган «Ғараж биноси» объекти	3.232.900
3.	Бекобод шаҳрида жойлашган «Юность» сартарошхонаси, умумий майдони 83,7 кв.м.	2.116.680
4.	Юқоричирчиқ туманида жойлашган «Бостирма» биноси	8.256.540
5.	Чирчиқ шаҳар, 9-кичик ноҳияда жойлашган 30-уйнинг 1-қаватидаги нотураж жой биносининг майдони 322,6 кв.м. қисми	4.033.050
6.	Бекобод шаҳар, Ғалаба кўчасида жойлашган ётоқхона биноси	23.563.500
7.	Оҳангарон шаҳрида жойлашган майдони 147,79 кв.м. бўлган нотураж жой биноси	1.735.400
8.	Чирчиқ шаҳрида жойлашган, майдони 250,09 кв.м. бўлган нотураж жой биноси	2.978.300
9.	Чирчиқ шаҳрида жойлашган озиқ-овқат дўкони биноси	2.753.800
10.	Тошкент туманида жойлашган Н.А.Семашко номидаги 2-физиотерапия клиникаси	208.249.400
11.	Олмалик шаҳар, Москва кўчаси, 35-уйда жойлашган «Олмалик шаҳар босмахонаси»нинг 23 фоизли эркин савдо улуши	9.952.487
12.	Бекобод шаҳрида жойлашган «15-МК» МЧЖнинг 25 фоизли давлат улуши	26.589.000
13.	Чиноз туманида жойлашган умумий майдони 199,5 кв.м. бўлган нотураж жой биноси	1.472.600
14.	Бўка туманида жойлашган 7-сонли болалар боғчасининг эски қозонхона биноси	969.600
15.	Паркент туманида жойлашган «Қорақалпоқ» маданият уйи	35.006.000
16.	Паркент туманида жойлашган «Марказий маданият уйи»	19.735.700
17.	Ангрен шаҳрида жойлашган 4-темир-бетон маҳсулотлари МЧЖнинг 25 фоизли давлат улуши	41.103.500
18.	Ўртачирчиқ туманида жойлашган, «Меҳнат» ОАЖнинг 25 фоизли давлат улуши	15.750.000
19.	Паркент туманида жойлашган «Parkent ATS»нинг 25 фоизли давлат улуши	22.287.700
20.	Ангрен шаҳрида жойлашган «Наврўз» ОАЖнинг 25 фоизли давлат улуши	7.951.300
21.	Бекобод туманида жойлашган «Zafar ATS» МЧЖнинг 25 фоизли давлат улуши	21.493.900
22.	Янгийўл туманида жойлашган «Yangiyo'l ATS» МЧЖнинг 25 фоизли давлат улуши	28.322.800
23.	Ангрен шаҳрида жойлашган қурилиш тугалланмаган бино	6.924.800

ЎЗР ВМнинг 26.08.2003 йилдаги 368-сонли қарори талаби асосида савдоларда бир ой мобайнида бошланғич нархда кўйилиб, сотилмаган тақдирда ҳар бир савдо сессиясидан 5 фоиз миқдорда камайтириш шарти билан давлат объектлари

24.	Ангрен шаҳрида жойлашган умумий овқатланиш ошхонаси 54-корпуси	9.387.241
25.	Ангрен шаҳрида жойлашган умумий овқатланиш ошхонаси 10-корпуси	7.974.248
26.	Ангрен шаҳрида жойлашган умумий овқатланиш ошхонаси 17-корпуси	24.917.990
27.	Чирчиқ шаҳрида жойлашган «Тезкор» МЧЖнинг 25 фоизли давлат улуши	15.314.850
28.	Тошкент шаҳрида жойлашган Тошкент вилояти архитектура ва қурилиш бошқармасининг лойиҳа бўлими	1.142.640
29.	Бекобод шаҳрида жойлашган «Бекободгил» МЧЖнинг 25 фоизли давлат улуши	10.192.240
30.	Ангрен шаҳрида жойлашган «3-сон КМК» МЧЖнинг 25 фоизли давлат улуши	15.127.040

Икхониятингизни бой берман!

Кўшимча маълумотлар учун Давлат мулк кўмитасининг ваколатли агенти — «Давинком» давлат инвестиция фирмасининг Тошкент вилояти филиали ҳамда «Respublika ko'chmas mulk birjasi Toshkent viloyati bo'limi» МЧЖга мурожаат қилишингиз мумкин.

Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳар, Мовароуннахр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти.

Мурожаат учун телефонлар: РКМБ Тошкент вилояти бўлими: 133-28-52, 133-77-18. **Факс:** 133-43-73; «Давинком» ДИФнинг Тошкент вилояти филиали: қабулхона: 132-06-76 (128).

2004 йил 20 июль кунин ўтказилган аукцион савдосида Зангиота тумани ҳудудидан аҳолига уй-жой қуриш учун белгиланган, сатҳи 0,06 гектардан бўлган 10 та ер майдони 6.550.000 сўмга сотилди. 2004 йил 12, 14, 16 июль кунлари ўтказилган биржа савдосида Қўрай ва Юқоричирчиқ туманлари ҳудудида жойлашган 20 та нодавлат қурилиш тугалланмаган кўчмас мулк бинолари жами 5.580.000 сўмга, Тошкент, Олмалик, Бекобод шаҳри ва Қўрай, Бекобод, Паркент, Тошкент, Юқоричирчиқ туманлари ҳудудида жойлашган 18 та нодавлат кўчмас мулк объектлари жами 93.562.000 сўмга сотилди.

Шунингдек, Тошкент шаҳрида жойлашган, Тошкент вилояти тиббий жисмоний даволаш диспансери давлат объекти 36.450.000 сўмга сотилди.

2004 йил 19, 21, 23 июль кунлари ўтказилган биржа савдосида Қўрай ва Юқоричирчиқ туманлари ҳудудида жойлашган 16 та нодавлат қурилиш тугалланмаган уй-жой бинолари жами 4.360.000 сўмга сотилди. Ангрен, Олмалик, Бекобод, Чирчиқ шаҳри ва Қўрай, Бекобод, Зангиота туманлари ҳудудида жойлашган 11 та нодавлат кўчмас мулк объектлари жами 52.063.000 сўмга сотилди.



Сингилларимга

Сингилларим, бинафшажонлар,
Томирлари ерга ниҳонлар,
Бунча эрта соғиндим сизни,
Зориқтирди ахир ҳижронлар,
Сингилларим, бинафшажонлар.

Бу йил бунча чўзилди фироқ,
Борган сайин мен танҳо, тоқроқ.
Айрилиқ бор дунёда, бироқ
Кўришмоқ ҳам борку қачонлар,
Сингилларим, бинафшажонлар.

Бор умримни мен бир туш этдим,
Юлдузларнинг сувин нўш этдим,
Дилни кўзга ёмғирпўш этдим,
Юзларимда оби равонлар,
Сингилларим, бинафшажонлар.

Ҳеч қаерда ҳеч вақт акалар
Сингилларга йиғламагайлар,
Маъзур тутинг сиз мени бу гал,
Бир сиз менга синашта жонлар,
Сингилларим, бинафшажонлар.

Сирожиҳдин САЙИД.

ҲИКМАТЛАР ҲАЗИНАСИДАН

Сўнгсизлик қўнғироқлари ичра
бир муқаддас ва оҳанграболи
қўнғироқ борким, ул меҳр қўнғи-
роғидир. Меҳр маъбудасига ай-
ланган аёлга уша қўнғироқ са-
досини эшитгай.

* * *

Аёл киши поклиги, номусини
қўлдан бермаса, демак у тўғри
ва бахтли ҳаётга ҳақли. Аёл
учун энг гўзал безак — ҳаёдир.

Шохруҳия ҳақида қанча гапир-
сак ҳам, барибир оз. Шохруҳия —
ҳали очилмаган сирли бир олам,
ҳали ёзилмаган тарихий дoston.

Кўпчиликнинг дарди ва қувон-
чига айланган Шохруҳияда шундай
бир сир борки, унинг бағрида ун-
сиз йиғлайсиз, унинг бепоён худу-
дида сиз бир майсасиз, бир ҳовуч
тупроқ.

Кечаги Шохруҳия — буюк Бано-
кат, газламалари Шарқ бозорла-
рини забт этган, ҳайратга солган.
Унинг моҳир усталари ясаган кўза-
лар қанча салтанатларда турли аф-
соналарга сабаб бўлиб келган,
табиблари эса, донги кетган жар-
роху шифокорлардан кам бўлма-
ган.

Кечаги Шохруҳия Буюк Ипак
йўлидаги оби-ҳаёт ва гўзаллик
маскани. Шаҳарга сопол қувур-
лардан оқиб келган сув қанча
дардга шифо берган, унинг тарки-
бида талайгина фойдали маъдан-
лар мавжуд бўлиб, бугун биз ўша
булоқларни излаётимиз.

150 йиллик сукунатдан сўнг со-
ҳибқирон Амир Темирнинг фармо-
ни билан Сирдарёнинг ўнг қирго-
ғида Банокатнинг вайроналарида
янги шаҳар қад кўтарди ва унга
Шохруҳия деб ном қўйилди. Аср-
лар мобайнида Сирдарёдаги куч-
ли қалъа, ҳарбий стратегик аҳами-
ятга эга таянч нуқтаси, темир-
лар фаҳри, Шошнинг қалқони
бўлган Шохруҳия учун қанча қон-
лар тўкилган.

...XX асрнинг 30-йилларида,
сўнг 80-йилларида қадимий шаҳар
харобаларида илмий изланишлар
олиб борилди. Бу ишлар мустақил-
лик йилларида янада жадаллаш-
ди. Оққўрғонлик ўлкашунослар,
ўқувчилар бу ерда мунтазам маш-
ғулотлар олиб борадилар. Менинг
хотирамда ана шундай ажойиб уч-
рашувларнинг бир қанчаси қолган.
34-ўрта мактаб раҳбари, тарихчи
ўлкашунос марҳум Иноятилла Мир-
заев бу ерга 1995-96 йилларда
ўқувчиларни олиб келиб, марҳум
Валерий Набоков билан қадимий
топилмаларни классификация

қилиб, оққўрғонлик ўлкашунослар
учун илмий изланишларга имкони-
ят яратиб берган, десам хато
бўлмайди.

Қатор йиллар мобайнида Шох-
руҳияга жамоатчилик эътиборини
жалб қилишга уриндик. Қишнинг
энг аёзли кунларида ҳам, ёз чил-
ласида ҳам бу ерга келганимда,
менга доимий ҳамроҳ, маслаҳат-
чи, жонқуяр Мухаррам опа Сул-
тонсаидова бўлардилар. Ҳозир
ҳам шундай. 16 йилдан бери Шох-
руҳия ҳақидаги ўзаро суҳбатимиз
ниҳоясига етмайди.

икки ажойиб инсон ота-боладек
қурилишнинг барча оғирликлари-
ни елкаларига олиб кечаю-кундуз
тиним билмадилар.

Ҳар куни велосипед миниб ке-
либ, Шохруҳияни пиёда айланиб
чарчамайдиган Бобожон ака ҳам,
ниҳоятда бағри кенг дилкаш ин-
сон Иноятилланнинг ҳам ўринлари
шундоқ билиниб турибди. Улкан
ишни бошлаган бу инсонларга ўз
меҳнатларининг натижасини кўриш
насиб этмади.

Айни вақтда Шохруҳияда
археологлар вақти-вақти билан

донини ташкил қилади. Қанқа
ёдгорлигида зардуштийликнинг
асосларидан бошлаб, диннинг кенг
ривожланган даврига қадар босиб
ўтилган йўлдан дарак берувчи маъ-
лумотлар топишган.

Биргина Оққўрғон туманида ик-
кита йирик ёдгорлик бор. Миллий
фаҳримиз бўлган Қанқа ва Шох-
руҳия — шундай улкан обидалар-
ки, уларни сақлаб қолишга туман-
нинг кучи етмайди. Ҳаттоки вило-
ятда ҳам бундай имкониятлар йўқ.
Чунки археологик қазилмалар
бульдозер билан ер суриш эмас,
бу иш заргар ишидек нозик ва кўп
вақт талаб этади.

Қанқани ким ва қачон ўргана-
ди, тўғрироғи олиб борилган (жуда
юқори даражада олиб борилган) ва
тўхтаб қолган ишни ким давом эт-
тиради?

Ёдгорликлар давлат рўйхатида
туради. Маданият ишлари вазир-
лиги қошидаги ёдгорликларни сақ-
лаш ва таъмирлаш қўмитаси анча
юримдик ҳуқуқларга эга ташкилот
сифатида Тошкент вилоятига
кўпроқ амалий эътибор берса яхши
бўларди. Бу ташкилотнинг ёнида
«Олтин мерос» жамғармаси ҳамроҳ
бўлиши мумкин. Бунда ёшлар ку-
чидан ҳам фойдаланиш мумкин,
ватанпарварлик ҳис-туйғуси ҳар
биримизда ўшанда янада ёрқин-
роқ намоён бўларди.

Вақт ўтиб бормоқда. У нафақат
ёдгорликларни, ҳеч нарсани
аямайди. Орамиздан қанча одам-
лар кетди, қанча айтилмаган
сўзлар ва ёзилмаган китоблар
қолди. Биз ҳам эртага кимгадир
ўзимиз қилишга улгурмаган ишлар-
ни ишониб топширмагимиз учун
издошларимиз бўлиши керак.

Қадимий шаҳар ва китоблар
абдий меросимиз.

Бизнинг меҳримиз, эзгу ишлар-
имиз ҳам меросдир. Маънавий
мерос...

Зарифа ЭШМИРЗАЕВА,
«Олтин мерос» халқаро
жамғармаси Тошкент вилояти
бўлимининг бошлиғи.

Биздан нима қолади


ёхуд кўҳна ва навқирон диёрлар бебаҳо тарихий бойлигимиздир

Шохруҳияни сақлаб қолиш,
«Очиқ осмон остидаги музей»ни
яратиш ишлари давом эттирила-
пти. Унинг худудида жойлашган
«Шомиқори» зиёратгоҳида бунёд-
корлик ва ободонлаштириш иш-
лари амалга ошириляпти. Ҳашар
йўли билан тикланаётган зиёрат-
гоҳда сўнгги қурилиш ва пардоз-
лаш ишлари олиб борилмоқда. Шу
ўринда улғу ишга ўзларини бағиш-
лаган, лекин бугун орамизда йўқ
азиз дўстларимизни эслайман.
Мана уч йил бўляптики, икки кадр-
дон кишимиздан айрилдик. Меҳ-
нат фаҳрийси, ниҳоятда камтар ва
мўътабар инсон Бобожон Шарип-
ов бир йил аввал вафот этди-
лар. 2004 йилда эса, «Олтин ме-
рос» жамғармаси туман бўлими-
нинг бошлиғи Иноятилла Мирза-
ев 46 ёшда дунёдан кўз юмди. Бу

қазил ишларини олиб бормоқда-
лар. Бу ерда олимлар мунтазам
ишлашини, оққўрғонлик ўғил-қиз-
лар болалиқданок улғу диёрда
яшаётганларини ҳис қилишларини
истардим. Ўзлари Шохруҳияда иш-
ласалар ва топилган ноёб экспо-
натлар эндиликда Оққўрғон туман-
ининг ўзида сақланса. Бунга бар-
ча имконият ва шароитлар мавжуд.
Умуман туман ҳақида гапирадиган
бўлсак, бу худуд алоҳида эътибор-
ни талаб қилмоғи керак, деб
ҳисоблайман. Вилоятимизнинг
барча шаҳар ва қишлоқлари улғу
тарихда ўз ўрнини топган. Лекин
Оққўрғонда дунё микёсидаги
ёдгорликлар сақланган.

Қанқа ёдгорлиги Тошкент воҳа-
сида энг катта ёдгорлик сифатида
тилга олинади. Унинг бугунги худу-
ди 180 гектардан иборат ер май-

Оромгоҳларда фестиваль



Бўстонлик туманидаги Юсуф-
хона қишлоғида жойлашган
«Ниҳол» болалар оромгоҳида
«Соғлом авлод учун» халқаро
хайрия жамғармаси ҳамда Ўзбе-
кистон Республикаси Фанлар
академиясининг қасаба уюшма-
лари қўмитаси ҳамкорлигида
«Мустаҳкам оила — қудратли
Ватан» мавзuida VI фестивал-
нинг биринчи босқичи ўтказил-
ди.

Унда «Олимпиадачи», «Ёш
куч», «Наргиз», «Оқ елкан» ва
«Ниҳол» болалар соғломлашти-
риш оромгоҳларида дам олаёт-
ган болалар иштирок этишди.

«Соғлом авлод учун» жам-
ғармаси болаларнинг ёзги дам
олишини ташкил этиш мақса-
дида ўз иш режаси доирасида
қатор тадбирларни амалга ошир-
моқда.

Инобат ЭГАМҚУЛОВА,
«Туркистон-пресс».

Энг тотли неъмат

● Қатра ●

Бу ёруғ оламда тилаб-тилаб
топган бахтимсан, болам.
Юрсам ҳам, турсам ҳам ҳаёл-
ларимдасан, нуридийдам. Боғ-
чангдаги ўртоқларинг билан
аҳил бўл. Шўхлик қилма.
Қаттиқ югурма. Тарбиячи
опаннинг ўғитларига қулоқ
тут. Сени ўз паноҳида асра-
син!

То кечга қадар шу сўзлар-
ни юракларим қатида оятдек
такрорлаб, олиб юраман. Иш-
дан кейин, шошганча уйга қай-
таман. Ҳовлига буриламман-у,
сени излайман. Кўзларим сени
топмагунча юрагим ҳаприкиб
кетаверади. Мана сен! Ни-

гоҳларим сени топди. Ярат-
ганга шукр. Соғ-омонсан.

— Ойижон, ойижоним кел-
дилар!..

Мен томон фариштадай
учиб келаётган бу болакай
менинг ҳаётим! Уни маҳкам
бағримга босаман. Ой юзла-
ридан мунчоқ кўзларидан,
лабларидан ўпаман. Болажо-
ним, бағримда, қучоқларимда-
сан, аммо сени яна ҳам соғи-
наман-да...

Ҳар биримизга ато этилган
неъматлар ичра энг тотлиси,



энг хушбўйи — фарзанд. Ана
шу бебаҳо неъмат билан сий-
ланганимиз учун шукр!

Ойсара ДАДАЕВА.

Тошкент шаҳар Шайхонто-
хур туманидаги 92-ўрта мак-
таб томонидан 1989 йил 27
июнда Касимова Дильфуза
Сабиловна номига берилган Д
788406 рақамли аттестат
йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ТошИИТ томонидан 1998
йилда Ким Руслан Инокентье-
вич номига берилган 207682
рақамли диплом йўқолганли-
ги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Юнусобод туманидаги
259-мактаб томонидан 2003
йилда Маматмусаев Рустам
Содиқович номига берилган
У 0405200 рақамли шаходат-
нома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

«АНМАДИ-STL» хусусий
фирмаси (ОКПО 19203772)
«АНМАДИ-STL» МЧЖга
АЙЛАНТИРИЛАДИ.
Маълумот учун телефон:
170-75-45.

«Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими жамоаси иккинчи
жаҳон уруши қаҳрамони
Абдулла (Алексей) ҚУРБОНОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари
ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТ ШАҲАРИДА

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМИЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълолар:
133-70-10, 136-53-54.

Манзилими:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги
Матбуот ва ахборот бошқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер
марказида тартиб ва
саҳифаланди.

● Эълон ва билдирув-
лардаги факт ҳамда далил-
ларнинг тўғрилиги учун
реклама ва эълон берув-
чилар масъулдир.